

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Тошкент давлат шарқшунослик университети**

**“ОГАҲИЙ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ - ЁШЛАР ТАРБИЯСИ УЧУН НАМУНА”
мавзуидаги анъанавий Республика илмий-амалий анжуманининг
АХБОРОТ ХАТИ**

Ҳозирги кезде юртбошимизнинг “адабиёт халқнинг юраги десак, халқнинг маънавияти десак, тўғри бўлади” деган чақириғи янги Ўзбекистоннинг бош маърифий платформаси ўлароқ кўзга яққол ташланиб турибди. Постглобаллашув жараёнлари шитоб билан кечаётган айти дамларда ёшларни озод руҳли, эркин фикрли, адолатли, холис, дунёқараши кенг, билимли қилиб камолга етказиш масаласи маърифий ва маънавий юксалишнинг янги босқичдаги устувор вазифаси этиб белгилаб берилган. Ушбу устувор вазифани амалга ошириш йўлида Тошкент давлат шарқшунослик университети жамоаси мумтоз адабиётимизнинг энг сермахсул ва серқирра ижодкори, шоир, тарихчи, таржимон, давлат арбоби, араб, форс, туркий тиллар билимдони Огаҳий ҳазратларини ҳаёт ва ижод йўлларини ўрганиш, у зотнинг қўлёзма асарларини тадқиқ этиш ҳамда ўлмас ғояларини тарғиб этиш ишларига масъул саналади.

Огаҳийшунослик борасида ўтган қисқа вақт ичида университет профессор-ўқитувчилари ва толиби илмлари томонидан бир қатор арзирли ишлар амалга оширилди. Улар ичида ҳазрат Огаҳий туғилган кун арафасида илмий конференция ва огаҳийхонлик суҳбатларини ўтказиш анъана тусини олганлигини алоҳида қайд этиш ўринли бўлади. Жорий йилда ҳам 17 декабрь куни Тошкент давлат шарқшунослик университетида **“Огаҳий ҳаёти ва ижоди - ёшлар тарбияси учун намуна”** мавзуида Республика илмий-амалий анжумани ўтказиш режалаштирилган. Илмий анжуманга мамлакатимиздаги Огаҳий ижоди бўйича тадқиқот ишларини олиб бораётган мумтоз адабиётимизнинг таниқли мутахассислари ҳамда олимлар таклиф қилинган. Конференцияда адиб ҳаёти, фаолияти ва меросига бағишланган илмий маърузалар тингланади.

Илмий-амалий анжуманда қуйидаги масалалар муҳокамага тортилади:

- **Ҳазрат Огаҳий ҳаёти, фаолияти ва мероси;**
- **адиб асарлари қўлёзмаларининг манбашунослик ва матншунослик тадқиқи;**
- **Огаҳий асарлари поэтикаси, унинг тил ва услуб хусусиятлари;**
- **Огаҳийнинг таржимонлик фаолияти;**
- **Огаҳийнинг тарихнавислик фаолияти;**
- **адиб ўз асарларини ёзишда озиқланган адабий анъаналар;**
- **Огаҳий асарлари ва уни глобал тармоққа жойлаштириш ва мумтоз меросни ўрганувчи мутахассисларнинг янги авлодини тарбиялаш масалалари;**
- **адиб мероси ва ўзбек миллий маънавияти ҳамда Огаҳий ижодини ўрганишда мутахассислар олдида турган вазифалар.**

Конференция материаллари тўплам ҳолида, шунингдек, энг сара мақолалар университетнинг «Turkologiya. Turkology» халқаро илмий журналида чоп этириш режалаштирилган. Мақолалардаги илмий фактларнинг тўғрилиги учун муаллиф масъулдир. Анжуман талабларига тўғри келмаган мақолалар тўпламга киритилмайди.

Мақола матни таҳрир қилинган ҳолда А-4 ўлчовда, юқоридан ва пастдан 2 см, чапдан 3 см, ўнгдан 1.5 см жой қолдириб расмийлаштирилади. Мақоланинг сарлавҳасидан кейин бир қатор ташлаб, кейинги қатордан муаллифнинг фамилияси, исми ва отасининг исми ёзилади. Янги қатордан эса мақола муаллифи ишлайдиган ташкилот номи, лавозими ва муаллифнинг электрон манзили кўрсатилади. Сўнгра 1 интервал қолдирилиб, янги қатордан 1,5 интервалли қаторларда ўзбек, инглиз ва рус тилларида мақоланинг қисқа аннотацияси ва таянч тушунчалари келтирилади. Шундан сўнг 1,5 интервалли қаторларда мақола матни 7-8 бетгача ҳажмда ёзилади. Адабиётлар рўхати мақола сўнггида берилади. Мақолалар ўзбек, инглиз ва рус тилларида қабул қилинади. Матннинг электрон нусхаси MS Word дастурида, Times New Roman шрифтида, 14 кегел катталигида бўлиши лозим.

Конференцияда қатнашиш учун мақоланинг электрон кўринишини 2021 йил 7 декабрга қадар ogahiyanjuman@gmail.com электрон манзилига ёки @tsuosyoshlar телеграм манзилига юбориш сўралади.

Тошкент давлат шарқшунослик университети. Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 20 уй, 101-хона. Телефон: (71) 233 43 00

**Ҳурмат билан,
Ташкилий қўмита**